

**ТУТ ИПАК КУРТИ ПАРВАРИШЛАШ ЖАРАЁНИДАДА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИК УСУЛ ТАЪСИРИ
ЎРГАНИШ**

Абдунабиев Достонжон Иброхимжон ўғли
таянч доктарант

Урозалиев Гайратжон Туронович
катта ўқитувчи
Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали

Аннотация:

Ушбу мақолада тут ипак қурти парваришларнинг амалдаги усуллари тахлил қилинган. Ҳамда тут ипак қурти пилласини етиштиришда қуртхона ҳавосини аэроионлаштириш қурилмаси ёрдамида манфий ионларга тўйинтириш орқали тут ипак қурти уруғини парваришлаш жараёни учун электротехнологик усулни қўллаш орқали тут ипак қурти парваришлаш жараёнида турли касалликларни олди олингандиги ва шу орқали пилла ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари келтирилган.

Калит сўзлар: ион, аэроионизатор, ипак қурти, пилла, ипак, электр майдон, электрон, тож разряди, аэроион, қуртхона, иқлим, ҳосилдорлик, сифат.

Республикамизда сифатли пиллалар етиштириш, тармоқда экологик соф ва ресурстежамкор технологиялар ва қурилмаларни жорий этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Маълумки ҳозирги кунда республикамизда етиштирилаётган пилланинг технологик хоссалари ва ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг хусусиятлари жаҳон андозалари талабларига мос келмайди. Бунга сабаб, биринчидан ўзимизда етиштирилаётган ипак қурти зоти ва дурагайларидан олинган пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари хорижий давлатларда яратилаётган зот ва дурагайларнидан орқадалиги бўлса, иккинчидан ипак қуртини саноат асосида парвариш қилинмаслиги, қурт боқишига мўлжалланмаган биноларда, ҳар-хил иқлим шароитларида парваришланиши сабабли етиштирилаётган пиллаларнинг 10-12 % ни қобигида йирик нуқсони бўлган ва чувилмайдиган, яроқсиз пиллаларни ташкил этади.

Шунинг учун ҳам республикамизда етиштирилаётган пиллаларнинг сифат кўрсаткичлари пиллакашлик корхоналарининг талабларини тўла қондира олмайди. Чунки республикамизда 1 кг хом ипак олиш учун 10-12 кг ва ундан ортиқ миқдорда тирик пилла сарфланмоқда[1].

Хитой ва Ҳиндистон давлатларида етиштирилаётган саноат пиллаларида чувишга яроқсиз пиллалар улуши 3-5 %, хом ипак чиқиши 42-44 % бўлиб, пиллаларини аксариятини 95-98 % ўргача катталиқдаги пиллалар ташкил этади ва мана шу кўрсаткичлар асосида хом ипакнинг сифати таъминланади [2]. Республикаизда эса чувишга яроқсиз пиллалар улуши 25-30 % ни, пилладан хом ипак чиқиши миқдори 26-29 % ни ташкил этади [3].

Ташқи муҳит ипак қуртининг ҳаётчанлигига, унинг маҳсулдорлигига, пилла ўрашига, етиштириладиган пилла сифатига ва пилла пўстлоғининг технологик хусусиятларига катта таъсир этади [4].

Ипак қурти танасининг ҳарорати у яшаб турган ташқи муҳит ҳарорати билан аниқланади. Ҳароратнинг тушиб кетиши, қурт танасининг совиб кетишига олиб келади ва ҳаракати кам

бўлиб қолади, тут баргини ёмон истеъмол қиласди, бу ўз навбатида унинг ривожланишини секинлаштиради. Оқибатда қуртнинг вазни камаяди, майда ва юпқа қобиқли пиллалар ўрайди. Ҳароратнинг узоқ вақт 29-30 °C дан ортиқ кўтарилиши, ипак қурти танасининг қизишига олиб келади, ривожланишини қийинлаштиради. Яшаб қолган ипак қуртлар майда ва сифатсиз пилла ўрайди. Ҳавода намликнинг етишмаслиги қуртларнинг иштаҳасига таъсир қилиб унинг ривожланишини секинлаштиради [5].

Ипак қуртининг биологик кўрсаткичларига ва пилла пўстлоғининг технологик хусусиятларига, ипак қуртининг боқиш мавсуми, метрологик шароит, тут баргининг хусусиятлари жиддий таъсир кўрсатади [6].

Баҳорги, ёзги ва кузги иқлим шароитларида боқилган ипак қуртининг ривожланиши, олинадиган пилла миқдори ва сифати турлича бўлишини муаллифлар томонидан таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда ипак қуртини баҳорги ва қузги мавсумда боқилганда, оқ пилла ўрайдиган зотларни боқиш режимини, ёзда эса такомиллаштирилган-тезлаштирилган режимни қўллаш кераклигини тавсия қилган.

Тут баргларидағи моддаларнинг мавсум бўйича ўзгаришини ва унинг эрта, ўрта ва кечки муддатларда қурт боқишига боғлилигини ўрганган. Эрта ва ўрта муддатда боқиб етиштирилган пиллаларнинг технологик хусусиятлари яхши бўлишини аниқлади. Кечки муддатда етиштирилган пиллалардан ипак маҳсулотлари чиқиши 3,2-6,6%, хом ипак чиқиши 7,2-10,2 %,чувилувчанлиги 3,2-4,3%, пилла или узунлиги 11,2-19,6% га камайишини таъкидлади [7].

Ипак қуртини боқишининг бир неча хил усувлари мавжуд бўлиб, бу усувларнинг барчасида хона ҳарорати мақбул даражага кўтарилиб бир хилда ушлаб турилишини таъминлаш талаб этилади .

Ипак қуртини ёшлари бўйича боқиш ва пилла ўраш даврида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигини агротехник талабларга мос ҳолда меъёрида ушлаб туриш етиштириладиган пилла миқдори ва сифатига жиддий таъсир кўрсатади [10]. Муаллифлар фикрича ҳарорат 20-21°C, нисбий намлик 65-80% бўлганда пилла ўраган ипак қуртлари миқдори 81-83% га teng бўлса, 24-25 °C бўлганда 89-90% га, ҳаророт 28-29 °C бўлганда эса 84-85% ипак қурти пилла ўраган [8]. Японияда энг асосий эътибор ипак қурти зотига, унга яратилган шароитга ва унинг озуқасига қаратилган. Япон мутахассисларининг фикрича, ҳосилдорлик ва пилланинг сифати озуқанинг тўйимлилиги ва ипак қуртининг тўғри парваришланишига боғлиқ. Ипак қуртига яратилган шароит мақбул шароитдан озгина четга чиқса ҳам ипак қуртининг ҳосилдорлиги камаяди, IV-V ёшдаги ипак қуртларини 29 °C ҳароратда сақланиши (мақбул ҳарорат 24-25°C) олинган пиллаларнинг ўртача вазнини 8%, III-ёшнинг уч кунга чўзилиши эса 15%, озуқани меъёридан 20% кам берилиши пилланинг ўртача вазнини 12% камайишига сабаб бўлишини таъкидлаганлар. Бу мамлакатда ҳар 3-5 йилда зотлар шу йиллар ичида яратилган янги энг яхши зотларга алмаштирилади. Японияда I-II ёшдаги ипак қуртларининг 87% марказлашган ҳолда, ҳаво ҳарорати 26-28 °C ва намлиги 80-90% бўлган шароитда кунига 2-3 марта озиқлантирилиб парваришланади, мамлакатнинг иқлими баргларни янгидек сақланишини таъминлайди. Пилла ўраш даврида ҳаво ҳарорати 22-23°C намлиги 60-75% ни ташкил этади [9].

Тут ипак қуртини боқиш жуда сермашаққат жараён ҳисобланади. Чунки 1 қути тут ипак қуртини 5 ёшида боқиш учун 50-60 м² жой керак бўлади. Шунинг учун [10] муаллифлар томонидан янги ғалодонли кўп қаватли сўқичакли тут ипак қурти боқишининг юқори самарали агротехникаси яратилган. Натижада 3-4 қути ипак қурти уруғини 50-60 м² жойда боқиш

имконияти яратилган. Улар томонидан таклиф қилинган рамка - қопламали сўкчакларда ипак қуртини кичик ёшларида 8-12 марта ўрнига 4-5 марта озиқлантириб парваришлаш, шу ёнда озуқдан 25-30% тежашга олиб келган, меҳнат ва иситиш ҳаражатларини камайтирган ва энг асосийси бу усулда етиширилган пиллаларнинг 92,3% навли пиллаларни ташкил этган. Рамкали-қопламали сўкчакларда етиширилган пиллалардан ипак чиқиши 42,6%,чувилувчанлиги 87,5% ни ташкил этган бўлса, оддий сўкчакларда етиширилган пиллаларда хом ипак чиқиши 41,8%, чувилювчанлиги 85,5% ни ташкил этган.

Чет эл тадқиқотчилари Ф.Накагава хом ипакдаги ҳалқа кўринишидаги нуқсонларнинг пайдо бўлиши пилла ипидаги ҳалқаликка боғлиқлигини, пилла ипининг ҳалқалилиги эса ипак қурти зоти ва пилла ўраш давридаги шароитга боғлиқлигини таъкидлайди. Хитой тадқиқотчилари Фан Шун-Чао, Су Ле Шанълар пилла ипидаги ҳалқаларни пилла қобифи тузилишига боғлиқ деб ҳисобладилар [11].

Японияда ипак қурти парваришининг 60% да фракцион пилла ўраш усули қўлланади. Ипак қуртини яшами учун қулай шароитларни вужудга келтирувчи янги топилмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши сифатли маҳсулот олиш ва энергиядан тежаб фойдаланиш имконини беради. Қўлланиладиган ҳаво иситиш системаси ёрдамида бутун қуртхона эмас, балки поливинилхlorиддан тайёрланган каналлар орқали иссиқ ҳаво бевосита ипак қурти яшайдиган юзаларга узатилади ҳамда юқори ва пастки ҳаво оқими ўртасидаги ҳароратни тушиб кетишини олдини олади. Бу эса ёқилғи сарфини иқтисод қилишдан ташқари, оддий иситиш натижасида ипак қуртини ривожланишида кузатиладиган фарқни йўқотади.

Хитойда ҳам ипак қурти кичик ёшларида (I-III) марказлашган ҳолда, катта ёшларида (IV-V) авваллари марказлашган ҳолда, ҳозирда эса алоҳида парваришиланади. Қурт боқишида юқори ҳароратли режим қўлланилади. Дасталар поҳолдан ва бамбуқдан тайёрланади ва юқори сифатли пилла етиширилади[12].

Ипак қуртини марказлашган усулда боқилганда, унинг ҳаётчанлиги ошади, меҳнат сарфи икки марта камаяди, янги яратилган агротехник усулларни қўллашга шароит яратилади, нуқсонли пиллалар улуши камаяди, ҳосилдорлик, пиллаларнинг ўлчамлари бўйича бир хиллиги ва сифати ошади.

Д.Болтабоевнинг маълумотларига кўра, шу усул билан етиширилган пиллалардан олий нав пиллалар чиқиши 5,5% дан 16,6% га ошган. Учинчи навли ва яроқсиз пиллаларнинг ўртача кўрсаткичи 14,2% га камайган [19].

Ипак қуртини турли хил қопламалар остида парваришилаш усули Япония ва Хитойда кенг қўлланилади.

А.Ю.Рахимов томонидан пилла ўраш жараёнида сунъий дасталардан фойдаланиши тавсия қилинган. Сунъий дасталарни қўлланиши ҳисобига бир хил ўлчамдаги пиллалар миқдори кескин ошиши билан бирга биринчи нав пиллалар миқдори 12% дан 18% гача кўпайган, пилла ўраш жараёнида ҳосил бўладиган лос миқдори эса 1,3% дан 1,4% гача камайиши билан бирга унинг ифлосланиш даражаси 7,06% дан 9,5% ни ташкил қилган [13,14,15,16].

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида ипакчилик саноатини механизатсиялашни тадқиқ этишда турлича ҳулосалар қилишга олиб келганини қўриш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқот ишларимизни тут ипак қурти уруғини жонлантириш ва парваришилаш жараёнида аероионизатор қурилмадан фойдаланиши атрофлича тадқиқ этишга йўналтиридик. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, муаллифлар томондан ҳавони сунний аероионловчи,

ионизатор қурилмаси Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институтида Ёшлар академияси томонидан эълон қилинган “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасидаги лойиҳани календар режасини ижросини амалда бажариш мақсадида хамдак ипак қуртини уруғини жонлантириш ва парваришлашнинг электротехнологик усулини синаш бўйича тажрибалар ишлари олиб борилди. Тадқиқот давомида ипак қуртини уруғини жонлантириш ва парваришлаш даврида оптимал мухитниг микро иқлим параметрлари ўрганилди.

1-расм



Тиббиёт соҳасидаги мутахассисларнинг хулосаларига кўра бино ичида ҳаводаги манфий кислород аэроионлари концентрацияси $600 \text{ аи}/\text{см}^3$ бўлиши кераклиги таъкидланган. Бу кўрсаткич тоғ ҳудудларида $8000-12000 \text{ аи}/\text{см}^3$ атрофида бўлади. Денгиз ҳавоси айниқса аэроионларга бой бўлади – $4000 \text{ аи}/\text{см}^3$. Шунинг учун йилнинг исталган пайтида денгизда саёҳат қилишлик – бу ҳақиқий организмни ионлар билан озуқлантириш ҳисобланади. Юқорида айтилганидек момақалдироқдан сўнг ҳаводаги аэроионлар концентрацияси $2000-4000 \text{ аи}/\text{см}^3$ гача ортади. Аммо тадқиқотлар шаҳар квартиralарида,офисларда бу кўрсаткич $100-200 \text{ аи}/\text{см}^3$ эканлиги аниқланган. Хоналарга ташқаридан вентилятсия қурилмалари орқали ичкарига кирадиган ҳаво аэроионларини айниқса манфий зарядли енгил аэроионларини йўқотади. Кондиционерларда қайта ишланган ҳавони ҳам электр ҳолати ёмонлашади. Айниқса турли филтрлардан ўтган ҳаво ўзидағи аэроионларини бутунлай йўқотишлиги аниқланган.

1-жадвал

Ҳаводаги аэроионлар миқдори	
Энг оз миқдори	600 ион/см ³
Оптимал миқдори	3000-5000 ион/см ³
Шаҳар квартиralаридағи ҳаво	50-100 ион/см ³
Шаҳар күчаларидағи ҳаво	100-500 ион/см ³
Ўрмон ва денгиз ҳавоси	1000-5000 ион/см ³
Тоғ ҳавоси	5000-10000 ион/см ³
Шаршара ҳавоси	10000-50000 ион/см ³
Момақалдириқдан кейинги ҳаво	50000-100000 ион/см ³

Ҳавонинг табиий ҳаво ионланишини кучайтириш учун хонани шамоллатиш тавсия этилади. Ёзда бундай шамоллатиш учун 5 дақиқа, қишида - 10 дақиқа этарли. Хонани шамоллатишда хона ҳавосидан чанг ва бактериялар чиқарилади, хона ҳавоси кислород аэроионлари билан тўйинади. Айниқса иссиқ иқлиmlарда уйларни қуришда хона ҳавосини шамоллатишга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Атмосферада, табиий шароитда, мусбат ва манфий ҳаво ионлар мавжуд бўлади. Одатда ҳаво ионларини аэроионлар дейилади. Манфий аэроионлар ҳаводаги нейтрал газ молекулалари томонидан бирон бир эркин электронни тутиб олиши натижасида ҳосил бўлади. Илмий нуқтаний назардан олиб қараганда манфий кислород аэроионларини пайдо бўлиши энг осонроқ ҳисобланади. Чунки, кислород атомининг ташқи электрон қобиғида 6 та электрон бўлиб, бу қобиқ электронлар билан тўлиши учун 2 та электрон етишмайди. Шунинг учун кислород атоми ўзига электрон қўшиб, нейтрал молекуладан манфий кислород аэроионига айланиб, барқарор бўлишга интилади. Рус олими А. Л. Чизхевский ҳаводаги манфий аэроионлар асосан кислород молекулаларидан, мусбат ионлар бўлса карбонат ангдрид гази молекулалари валент электронларини йўқотиши натижасида ҳосил бўлишлигини исботлаган [17,18,19,20,21].

Маълумки, ипак қуртлари боқиладиган ёпиқ биноларидағи ҳавонинг ионли таркиби ташқи муҳитдаги ҳавонинг ионли таркибидан кескин фарқ қиласди. Ҳаво билан келаётган енгил ионларнинг бир қисми вентиляция системаси элементларига ўрнашиб қолади, бино ичкарисида қолган енгил ионлар эса оғир ионларга айланиб йўқолади. Натижада ипак қуртининг касалликка чалиниши, озуқаланиши пасайиши кўп қузатилмоқда. Т.Бутаев ва Д.И.Абдунабиевлар тамонидан (2020-2023) сунъий электр ионлашнинг ипак қурти уруғларини жонлаштириш хоналари ҳавосини сифатига таъсирини ўрганиш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Шунингдек, ипак қуртларини парваришлаш жараёнларида муҳитга сунъий ионлаш усулини кўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда ионлашган ҳавода ипак қуртининг касалликка чалиниши 10 % га камайиши, озуқаланиши 8 % га, ипак қуртидан олинадиган маҳсулдорлик 8-12% гача ошиши аниқланган[22,23,24,25].

Ҳавони табиий ионизацияланиши тупроқ ва ҳаводаги радиоактив моддалар ҳамда космик нурлар таъсирида содир бўлади. 1 см³ ташқаридаги ҳавода 700...1000, берк хоналарнинг 1 см³ ҳавосида 100-дан кам аэроионлар бўлади[19,21].

Материал ва методлар

Муаллифлар томонидан Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот иниститутда 2023 йилнинг баҳорги мавсумда ҳавони сунъий аэроионловчи қурилмани тут ипак қурти парваришлаш жараёнида қўлланди. Ҳамда оптимал аэроионлар концентратсиясини аниқлаш бўйича илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Маълумки, тирик организмлар парваришланадиган хоналардаги манфий аэроионларни оз миқдордалиги тўсиқлар ва турли ускуналарнинг экранловчи таъсири, газ ионларини жуда майда суюқ ёки қаттиқ заррачалари билан бирлашиб, оғир ионларни ҳосил бўлишига олиб келувчи ҳавони юқори намлиги ва чангланганлиги билан тушунтирилади. Нафас оловчи организмлар чиқарадиган ҳавода ҳам оғир ионлар бўлади, улар ичидан мусбат зарядланганлари кўпроқ. Бу организмларни физиологик холатига салбий таъсир қиласи. Шунинг учун хоналарда ҳавони нейтрал заррачаларини сунъий ионлаштириб, манфий аэроионларни маълум концентрациясини доим ушлаб туриш керак. Ўрганишлар натижасида кўра ҳар томонлама ёпиқ биноларда тирик организмлар нафас олиб-чиқариши орқали оғир ионлар миқдори ортади натижада ёпиқ бино ҳавосининг ионли таркиби ташқи ҳавонинг ионли таркибидан кескин фарқ қиласи. Бундан ташқари ҳаводан енгил ионларининг бир қисми шамоллатувчи вентиляция тизими элементларига ўтириб қолади, бино ичкарисида қолган енгил ионлар эса оғир ионларга айланиб йўқолади, шунингдек қурилиш материалларининг радиоактив емирилиш ва хонани иситиш учун ёқилган кўмирнинг тутуни чиқиши натижасида ҳам енгил ионлар йўқолади. Қишлоқ хўжалик бинолари ҳавосини сунъий аэроионлаштиришда бинонинг ўзида ёки вентиляция тизимларининг ҳаво узатгичларида ўрнатилган симли, нинали ва бошқа турдаги аэроионизаторлар қўлланилади [26].

Тадқиқот натижалари таҳлили

Тадқиқотларни ҳар хил зот, дурагайларида ва муддатларида олиб борилди. синов-тажрибалар оқ пиллали зотларга мўлжалланган агротехника усули бўйича З хил жойда турли концентрацияли ионлашган ҳоналарда парваришланди. Тут ипак қуртларини пилла ўрагунга қадар парваришлаш ишлари давом эттирилди. Аэроионлар концентрацияси $500\text{-}700 \text{ аи}/\text{см}^3$ да ушлаб турилди. Тут ипак қуртларини парваришлаш жараёнида Тут ипак қуртининг биологик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал Тут ипак қуртининг биологик кўрсаткичлари

№	Вариантлар	Қайтариш	Маҳаллий дурагайи Линия 27 x K-108 ва Ипакчи 2	
			Қуртлар ўлими, %	Қуртларни ҳаётчанлиги, %
Аэроионлар концентрацияс и $500\text{-}700$ аи/ см^3 ионлаш вақти ҳар 2 соатда 40-55 дақиқа	Линия 27 x K-108	1	0,9	90,0
		2	0,3	93,5
		3	0,2	94,0
		Ўртacha	$0,5\pm0,05$	$92,5\pm1,5$
	Ипакчи 2	1	1,1	89,0
		2	1,3	90,5
		3	1,2	89,0

		Үртача	$1,2 \pm 0,05$	$89,5 \pm 1,1$
Аэроионлар концентрацияс и 800-1000 аи/см ³ ионлаш вақти хар 1 соатда 30-45 дақиқа	Линия 27 x K-108	1	3,0	88,5
		2	3,2	87,0
		3	3,4	86,5
		Үртача	$3,0 \pm 0,21$	$88,0 \pm 0,37$
Аэроионлар концентрацияс и 200-400 аи/см ³ ионлаш вақти хар 2 соатда 20-35 дақиқа	Ипакчи 2	1	3,5	86,5
		2	3,9	83,0
		3	3,8	85,5
		Үртача	$3,7 \pm 0,21$	$85,0 \pm 0,39$
Аэроионлар концентрацияс и 500-700 аи/см ³ ионлаш вақти хар 2 соатда 40-55 дақиқа	Линия 27 x K-108	1	4,0	86,5
		2	4,2	86,0
		3	4,4	85,5
		Үртача	$4,2 \pm 0,21$	$86,0 \pm 0,01$
	Ипакчи 2	1	4,5	83,5
		2	4,2	84,0
		3	4,8	85,1
		Үртача	$4,5 \pm 0,28$	$84,2 \pm 0,04$

Ипак қуртларининг парваришилаш жараёнида, уларнинг ўлими Аэроионлар концентрацияси 500-700 аи/см³ ионлаш вақти хар 2 соатда 40-55 дақиқа давом этган вариантида қуртлар ўлими 0,5 % ни қуртларининг ҳаётчанлиги 92,5 %, бошқа вариантларида эса қуртлар ўлими 4,5 % гача ошиши қуртларининг ҳаётчанлиги 84,2 % гача камайиши кузатилди. Бу қўрсаткичларни таққослаганда 4,0 % фарқ келиб чиқди. Бу эса ўз навбатида қўлланилган электротехнологик технология яна бир ижобий хусусиятидан далолат десак хеч муболаға бўлмайди.

Қуртлар пилла ўраганидан сўнг, пилла териш, лосдан тозалаш ва уларни таҳлил қилиш ишлари амалга оширилди. Етиштирилган пилла маҳсулдорлиги таҳлили натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал Пиллаларни маҳсулдорлик қўрсаткичлари

Т/ р	Вариантлар	Қай- тариш	Хориж дурагайи Jingsong Haouye			Маҳаллий дурагайи Ипакчи 1 x Ипакчи 2		
			Нормал пиллалар сони, дона	1 дона пилла оғирлиги, г	Ипак чанлик, %	Нормал пиллалар сони, дона	1 дона пилла оғирлиги, г	Ипак чанлик, %
1	Аэроионлар концентрация си 500-700 аи/см ³	1	548	1,77	23,9	616	1,69	22,0
		2	577	1,88	23,8	607	1,70	22,3
		3	590	1,79	23,2	595	1,68	23,2
		Үртача	572	1,81	23,60	606	1,69	22,50
2	Аэроионлар концентрация си 800-1000 аи/см ³	1	496	1,62	21,2	588	1,60	20,5
		2	593	1,65	21,9	580	1,59	20,9
		3	562	1,66	21,8	560	1,61	20,7
		Үртача	550	1,64	21,6	576	1,60	20,70
3	Аэроионлар концентрация си 200-400 аи/см ³	1	514	1,51	19,08	507	1,56	20,0
		2	484	1,54	20,17	585	1,50	19,8
		3	497	1,55	20,61	519	1,53	19,7
		Үртача	498	1,53	19,95	537	1,52	19,80

Юқорида келтирилган 2-жадвалдаги аниқланган нормал ёки соғлом пиллалар сони Аэроионлар концентрацияси 500-700 аи/см³ ионлаш вақти хар 2 соатда 40-55 дақиқа вариантида хориж дурагайида ўртача 98,1 % бўлса, маҳаллий вариантида эса 97,9 % ташкил этди. Бир дона пилла оғирлиги эса ўртача 1,81 г ташкил этган бўлса, маҳаллий вариантида эса 1,69 грамм бўлди. Бундан ташқари ҳар бир вариантдан 15 та эркак ва 15 та урғочи ғумбаклар танлаб олиниб, пилла қобиғини оғирлиги, пилла оғирлиги аниқланиб пиллани ипакчанлиги ҳисобланди.

Тадқиқ этилган электротехнология пиллани ипакчалигига ҳам ўзини ижобий таъсирини кўрсатди. Бунда 1-тажриба вариантларида (хориж ва маҳаллий дурагайларда) 23,6 ва 22,3 % ни ташкил эткан бўлса, бошқа вариантида эса бир мунча пастроқлиги 20,61 ва 19,95 % аниқланди. Мазкур электротехнологик усул тут ипак қурти уруғини жонлантириш ва парваришиллаш ҳонаси хавосини ҳар хил микроорганизм, бактериялардан тозалаш билан бир қаторда, ҳавода фойдали манфий аэроионлар миқдорини кўпайтирганлиги сабабли тут ипак қуртини уруғини жонлантириш ва парваришиллаш жараёнида касалликлар тарқалиши қузатилмади ва тут ипак қуртини ривожланишига ижобий таъсири этгани, уларни бирдамлик билан ёшдан-ёшга ўтиши, дастага чиқиши ва сифатли пилла ўраши билан баҳоланди.

Хулосалар

1. Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлди, ипак қурти хар томонлама ёпиқ бинода боқилишини хисобига хонанинг ионли таркиби ташқи ховонинг ионли таркибидан фарқ қиласди. Ҳаво билан келаётган енгил ионларнинг бир қисми вентиляция системаси элементларига ўрнашиб қолади, бино ичкарисида қолган енгил ионлар эса оғир ионларга айланиб йўқолади. Натижада ипак қуртининг касалликка чалиниши, озуқаланиши пасайиши кўп қузатилади.

2. Сунъий электр ионлаш усули билан ипак қурти боқиладиган хона мухитига тасъирини ўрганиш бўйича назарий ва илмий-амалий тажриба тадқиқотлари олиб борилди. Ҳамда Аэроионлар оптимал концентрацияси 500-700 аи/см³ эканлиги аниқланди. Оптимал Аэроионлар оптимал концентрацияси ушлаб туришда парваришиллаш жараёнида 40-55 дақиқа давом этди. Бунда ионлашган ҳавода ипак қуртининг касаллика чалиниши бошқа тажрибаларга нисбатан 5-10% га камайиши, озуқаланиши 12 % га, ипак қуртидан олинадиган маҳсулдорлик 16% гача ошиши аниқланди.

Мазкур қурилмани ишлаб чиқариш шароитида, яъни Республикализни уруғчилик корхоналари, наслчиллик станциялари, маҳсус қуртхоналар ва қурт боқувчи хонадонларида қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда ипак қуртини парваришиллаш мавсумини мувоффақиятли ўтказишга, сифатли пилла ҳосилини олишга эришилади.

Адабиётлар

1. Усмонова Ш.А. Совершенствование технологии подготовки сырья для получения равномерных окрасок шелка: Дисс...канд.тех наук.-тошкент: ТИТЛП. 2010. - 14 с.
2. Рахимов А.Ю. Юқори сифатли мўл пилла ҳосилини етиширишда метрологик шароитларнинг ўрни / РахимовА.Ю., РахимовА.А., Мирзахонов.М.М. // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 75 йиллигига бағишлиланган Республика илмий амалий конференцияси, Тошкент-Навоий. - 2018. - 153. б.

3. Рахимов А.Ю. Ипак қурти боқиши ва пилла ўраш жараёнларидаги шароитларнинг пилла сифати ва ҳосилдорлигига таъсири / Рахимов А.Ю., Рахимова М.П., Усмонов Д.У. // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 75 йиллигига бағишлиланган Республика илмий амалий конференцияси. 1-қисм. Тошкент-Навоий. 2018. - 155. б.
4. Эсонова Ш.М. Пилланинг технологик хусусиятларига биологик фаол модданинг таъсири. Техника фанлари номзодлиги диссертацияси. -Т.: ТТЕСИ, 2007. - 11 б.
5. Қобулова Н.Ж. Плёнка остида етиштирилган пилла ва ипак ипларининг технологик хусусиятлари. Техника фанлари номзодлигидиссертацияси. -Т.: ТТЕСИ, 2007. - 11 б.
6. Рахимов А.Ю. Янги зот ва дурагай тирик пиллалардан хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини яратиш. // Ф-А_2018-004. Марғилон. 2018.
7. Ахмедов У., Файзулаева Г. Озуқа майдонининг пилла ҳосилдорлигига таъсири. // Ж. Зооветеринария. Т.: 2014. №4.- Б.39.
8. Ахмедов У., Жумагулов Қ. Пилла ўраш даврида ҳарорат ва намликни меъёридан ўзгаришини навдор пиллалар миқдорига таъсири. // Ж. Зооветеринария. Т.: 2014. №5. - Б.42.
9. Нўманов М.И. "Гигротермические режимы и пути повышения продуктивности тутового шелкопряда при многократном червекормлении". //Научные основы развития шелководства в Узбекистане. Т. -1986. -С.63.
10. Nicholas P.C., Cedric Dicko.The silkworm cocoon as humidity trap and waterproof barrier. Department of Zoology, University of Oxford South Parks Road United Kingdom. PartA 164 (2013) p. 645-652
11. Z.Zhou, Z.Shi, X.Cai. The use of functionalized silk fibroin films as a platform for optical diffraction-based sensing applications. Adv.Mater 22(2010) 1746-1749 Chemical Engineering Journal.
12. W.Zhou., X.Chen., Z.Z.Shao. Conformation studies of silk-proteins with infrared and Raman spectroscopy. Prog.Chem 2006; 18(11); 1514-22.
13. Ахунбобаев О.А. Ипак қурти боқиши учун янги тузилишдаги қуртхона ва кўп қаватли сўкичак қурилмаси / Ахунбобаев О.А. ва бошқ. // Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувини ўрни ва долзарб муаммолари ечими. //Тез. док. ҳалқ. илм. амал. конф. материаллари. 27-28 июль 2017. - Марғилон 2017. 1-қисм. - 102-109 б.
14. Еженко О.Б. Шелководство Китая. // Ж. Шелк. Экспресс-информация. 1983.
15. Болтабоев Д. Централизованные выкормки и производстве. // Ж. Шелк.-1970. -№1. -С.8.
16. Ремидовский Ю.М., Таджиев Э.Х., Мирзаходжаев А.М. Шелководство в Японии. // Ж. Шелк. - 1980. -№2. -С.29.
17. Рахимов А.Ю., Абдурахманов А.А., Сулайманов Ш.А. Изучение состояния использования ваты-сдира и пути повышения качества коконного сырья. // Ж. Научных публикаций аспирантов и докторантов.Курск.-2015. -№4. - С. 152-157.
18. Абдуллаев А., Рахимов А. Использование волокнистых отходов шелка в прядении. // Монография. 2009. Изд.Хаёт.
19. А.Л. Чижевский. Аэроионизация в народном хозяйстве, 2-е издание, сокращенное. — М.: СТРОЙИЗДАТ. 1989. — 485 с.
20. В. П. Скипетров. Аэроионы и жизнь. «Республиканская типография “Красный Октябрь”, 2011. 140 с. г. Саранск
21. Radjabov A., Muratov X. Elektrotexnologiya-T., Fan, 2001 yil. - B. 203.

22. Abdunabiyyev, D. I., Oktamjonov, S. S., Kabiljonov, A. F., Khasanov, D. R., & Alijonov, H. A. (2022). Economic Efficiency of Using Electrotechnological Device During Revitalization and Care of Mulberry Silkworm Seed. *Eurasian Journal of Engineering and Technology*, 11, 167-170.
23. Abdunabiyyev, D. I., Abdunabiyyev, J. I., & Bahadirov, S. B. (2023). Economic Efficiency of Using Electro technological Equipment During Revitalization and Care of Mulberry Silkworm Seed. *Eurasian Scientific Herald*, 18, 1-8.
24. Butayev, M., Abdunabiyyev, D., & Kodirov, O. (2021). Prospects of application of electrotechnological methods in silkworm growing. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2356-2361.
25. Abdunabiev, D. (2022). Ipak qurti urug 'ini jonlantirish jarayoni uchun aeroionizatorning optimal parametrlarini aniqlash. *Science and innovative development*, 25-32.
26. Abdunabiyyev, D., Abdunabiyyev, J., Alijonov, H., & Bahodirov, S. (2023). Havoni aeroionlar bilan boyitilishining ipak qurti urug'ini jonlantirish jarayoniga ta'sirini o'rghanish. *Uzbek Scholar Journal*, 16, 27-32.